48 (482)
2005 йил 30 ноябрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР ҚУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Ҳимоячига имтиёз катта
▶ Гумон уйга ҳам, қалбга ҳам ўт қўйди...

3
▶ Жаҳолатга даво — маърифатдир!
▶ Тўловни пайсалга солманг, ёшулли!

4
▶ Ўзбек санъат асарлари Италия музейида...
▶ Муқобил ёқилғи — маъқул ёқилғи(ми?)!

Анжуман

КОНСТИТУЦИЯ — ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛИМИЗ КАФОЛАТИ

Бугун мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликнинг асоси бундан 13 йил аввал — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан мустаҳкамланган эди. Зеро, Бош қомусимиз эндигина мустақилликка эришиб, тараққиёт сари дадил қадам ташлай бошлаган давлат истиқлоли ва истиқболининг энг ишончли кафолати бўлди.

Куни кеча Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви, жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда "Маҳалла" жамғармаси қошида ташкил этилган Республика "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий маркази томонидан ўтказилган "Истиқлол ва истиқболимиз кафолати" мавзусидаги илмий-амалий анжуманда ана шундай эътирофлар янгради. Анжуманни Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Гадойбоев кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Азамат Зиё, Тошкент Молия институти профессори Н.Маматов, Миллий мафкура илмий тарғибот маркази директори И.Жумаев, "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий маркази директори, профессор С.Раҳимов ва бошқалар бош қомусимиз тарғиботига қаратилган маърузалар қилдилар.

МУХБИРИМИЗ

Mahalla

— Яна нима дейди?
— Пахтачи ва Пайарикда муштарийлар сони кўпайди, — дейди.

"Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга."
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасидан

Истиқлол ислоҳотлари бўй кўрсатмоқда

ҲЎҚАНДИ ЛАТИФ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

МАҲАЛЛАЛАР ЭСА БУ ХАЙРЛИ ИШЛАРГА БОШ БЎЛМОҚДА

Мамлакатимизда ислоҳотлар бошқарув тизимида тубдан янгиликлар ясалишига ва ўз навбатида маҳаллалар фаолиятининг ривожланишига кенг йўл очиб берди. Бунинг натижаси ўлароқ, айни кунда маҳаллаларимиз обод ва кўркам.

Кичик ёки катталигидан қатъий назар бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ишлаб чиқараётган ҳар бир корхона ўз фаолияти билан жамият равнақига ҳисса қўшиши шубҳасиз. Қўқондаги "Ўзбегим қўйлаклари" корхонаси маҳсулотлари ҳам сифатлилиги ва арзонлиги туфайли харидоргир бўлмоқда.

Фарғона водийсининг кўҳна ва навқирон Қўқон шаҳри маҳаллаларида миллий ва маънавий қадриятлар сақланиб қолган. Ҳўқанди латифнинг тобора ривожланиб бораётган, дўстлик-биродарлик ришталари мустаҳкамланаётган шаҳар нуфузига эгалигида ҳам ундаги маҳаллаларнинг ўрни беқиёс.

Давоми 2-саҳифада

Сурхондарё вилояти

ҚОРАБУРАДА ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

Тадбиркор Абдулазиз Аллаёров олти йилдирки, Қорабура маҳалласи фуқаролар йиғинига бош. Маҳаллада мавжуд 3 та ички кўча бўйлаб юрсангиз, йўл ёқаларига ўтказилган юзлаб кўчатлар, гуллар кўзни қувонтиради. 1,5 километрлик йўл асфальтланган, 3 та кўприк қурилган. Бир пайтлар 21-мактабга ёшларнинг қатнаши қийин кечар эди. Намуна ва Қорабура оралиғидаги йўл яхшиланди. Эътиборли жиҳати, 3 хонали маҳалла биноси замонавий тарзда жиҳозланган. Маҳалладаги "Шерхон Абдулла" кичик корхонасида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, ғишт ишлаб чиқариш корхонаси мунтазам ишлаб турибди.

Оқсоқол ташаббуси билан қишлоқ қабристони обод қилинди. Гумбаз кўтарилиб, шарқона усул берилди. 1000 туп атиргул, 2000 туп арча ниҳоллари ўтказилди. Маҳалла хонадонларининг 97 фоизи газлашган, 100 фоизи ичимлик суви билан таъминланган. Бу ишда фермер ва тадбиркорлар оқсоқолга мададкор. Жумладан, Ҳасан Бекмуродов, Ўктам Шомуродов, Нурмамат Маматмуродов, Тоҳир Алиёров, Даврон Шомуродовлар хайрия ишларини амалга оширишда яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

Дарвоқе, "Энг обод маҳалла" кўрик-танловида Қорабура маҳалласи фуқаролар йиғини туманда биринчи ўринни эгаллаб, вилоятда иккинчи бўлди. Маҳалла футбол жамоаси ҳам туман, вилоят беллашувларида биринчи ўринни эгаллаб, республика мусобақаларининг ҳам совриндори бўлдилар.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида "Жамият ривожланишида олима аёлларнинг ўрни ва роли" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

Уни Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисод фанлари доктори, академик С.Fуломов олиб борди.

Конференцияда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси, бош вазир ўринбосари, сенатор С.Иномова сўзга чиқиб бугунги кунда аёлларнинг жамиятдаги ўрни, илм-фандаги ютуқлари ҳақида гапириб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Омбудсман вакили С.Рашидова эса илм-фан тараққиётида олима аёлларнинг роли, жамиятда бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида маъруза қилди. Шундан сўнг Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Плеханов номидаги Россия академиясининг академиги Т.Данько, "Ижтимоий фикр" маркази директори, академик Р.Убайдуллаевалар сўзга чиқиб, ватанимиз ривожида олима аёлларнинг ўрни ва ҳиссаси ҳақида фикр билдирдилар.

Феруза ОРИПОВА

"Mahalla"га обуна қизғин

Самарқанд вилояти

БИР МАҲАЛЛАГА ТЎРТ "Mahalla"

Севимли нашримиз бўлган "Mahalla" газетаси айни пайтда маҳалла тизимида ишлаётган ходимларнинг фаолияти учун энг зарурий эҳтиёж воситасига айланган.

Бугун "маҳаллани обод қиламан, одамлар турмушини яхшилайман" деган эзгу ўй-ният билан ишловчи фуқаролар йиғини раиси, маслаҳатчиси, котиби, посбони ва бошқа фидойилари борки, даставвал "Mahalla" газетасидан ўқиб-ўрганади, эълон қилинаётган мақолалар, янгиликларни таҳлил қилиб, тажрибаларни ўз ҳудудида оммалаштиришга интилади. Бу эса фақат ва фақат тараққиётга, ишдаги ўсишга сабаб бўлаяпти. Қолаверса, маҳалла иши — жамоатники. Унда катта-ю кичик иштирок этади, ташаббус кўрсатади. Шу боис бўлса керак, "Mahalla"ни нафақат соҳа ходимлари, балки кенг жамоатчилик севиб ўқишмоқда.

Туманимиздаги мавжуд 1 та шаҳарча, 8 та қишлоқ, 43 та маҳалла фуқаролар йиғинларида шу кунларда "Mahalla"га 2006 йил учун обуна жараёни қизғин давом этаяпти. Жорий йилнинг 10 ноябрь ҳолатига кўра туманимиз бўйича "Mahalla"га 192 нусхада йиллик обуна уюштирилди. Бу эса келгуси йилда ҳар бир йиғин ҳудудига ўртача 4 нусхадан "Mahalla" газетаси етиб боришини таъминлайди. Йил якунига қадар бу кўрсаткич бир неча баробарга ошиши шубҳасиз. Зотан бизнинг бошқа фаолларимиз ҳам бу нашрни севиб ўқишади.

Исмат САНАЕВ,
"Маҳалла" жамғармаси Пахтачи тумани бўлинмаси раиси.

Биз туманимиздаги фуқаролар йиғинлари фаолларининг "Mahalla" газетасига обуна бўлишларини таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз. Бунинг боиси шундаки, газетадан маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчиси, котиби, посбони, йиғин мутасаддилари керакли ўринларда унумли фойдаланадилар.

Қолаверса, ўйлаб кўрайлик, бир кунда маҳалла идорасига қанча одам кириб-чиқади. Шунингдек, бугунги демократик жамиятда тадбиркорнинг ҳам, фермернинг ҳам, ишбилармон хотин-қизларнинг ҳам энг яқин ҳамкори, мададкори ким? Албатта, маҳалла-да! Шундай экан, нега улар ҳам "Mahalla" газетасини ўқиб, унда ушбу соҳада чоп этилаётган тажриба ва ташаббусларни ўрганиб, ўз ҳудудларида тараққиётни таъминламасликлари керак?!

... Демак, бугун даставвал фуқаролар йиғинлари мутасаддилари "Mahalla" газетасининг энг яқин тарғиботчиларига айланишлари даркор.

Туманимизда ҳозирда 59 та фуқаролар йиғини фаолият юритаётган бўлса, шу кунга қадар газетага 211 нусхада йиллик обуна бўлишди. Бошқача айтганда, келгуси йилда туманимиздаги ҳар бир йиғинга ўртача тўрт нусхадан "Mahalla" газетаси етиб боради.

С.БОЙЗОҚОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Пайариқ тумани бўлинмаси раиси.

"Mahalla" хабарлари

Қашқадарё вилояти

МЕҲМОН КЕЛАДИГАН УЙ САРАНЖОМ-САРИШТАЛИ БЎЛАДИ

2006 йилда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги кенг нишонланади. Шунингдек, Республика мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари финал босқичи ҳам Қашқадарёда ўтказилади.

Ана шу муносабат билан вилоятга турли хорижий мамлакатлардан меҳмонлар келиши кўзда тутилган. Меҳмон келадиган уй эса обод, кўркам, саранжом-сариштали бўлиши керак.

Шу боис вилоят ҳокими ҳудудда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш уч ойлигини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. 2005 йилнинг 1 декабридан 2006 йилнинг 28 февралигача давом этадиган бу тадбирда корхоналар, ташкилотлар, айниқса маҳаллаларда амалга ошириладиган кенг кўламдаги ишлар белгилаб олинди. Юрт ободлиги соҳасидаги барча ишлар шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидаларига тўла риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

ЯНГИ КЎПРИК ҚУРИЛМОҚДА

Нукус шаҳрини кесиб ўтган «Қизкеткан» канали устида янги кўприк қурилиши бошланди. Шаҳарнинг икки қисмини бирлаштирувчи ушбу кўприкнинг эни 20 метр ва узунлиги 90 метр бўлиб, транспорт қатнови учун барча қулайликларга эга.

Замонавий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилаётган ушбу иншоотни Тахиатош шаҳар махсус йўл-кўприк қурилиши бошқармаси амалга ошираётир. Шаҳар ҳалқа йўли қурилиши муносабати билан бунёд этилаётган мазкур кўприк икки соҳилни бирлаштирувчи учинчи иншоот саналади.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Самарқанд вилояти

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ

Вилоят ҳокимлигида Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан аҳоли ўртасида йод танқислиги муаммосининг олдини олиш ва уни бартараф этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда вилоятда йод танқислиги туфайли келиб чиқаётган қалқонсимон без касалликлари, уларнинг инсон саломатлигига жиддий таъсири ҳамда бозорларда сифатсиз туз савдосига чек қўйиш каби масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишда Республика "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси бош мутахассиси Д.Шарипова бу борадаги муаммолар ечими юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

КАМОНГАРОНДА ҚЎШМА КОРХОНА

Ургут туманиннг Камонгарон қишлоғида "Камонгарон" деб номланган Ўзбекистон—Эрон қўшма корхонаси ишга тушди. Ушбу корхона автомобил двигателлари учун махсус мойлар, кир ювиш кукунлари ва совун ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Энг асосийси, маҳсулотларнинг деярли ҳаммаси маҳаллий хом-ашёлардан тайёрланаяпти.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент шаҳри

ҲАЛҚАРО ИНСТИТУТ ВА МАҲАЛЛА

Маълумки, Халқ университетлари Олмон уюшмасининг Халқаро алоқалар институти фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда "Тарих ва Миллий ўзликни англаш" лойиҳаси асосида юртимиз маҳаллаларида қатор тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Яқинда Собир Раҳимов туманидаги Чимбой маҳалласида ташкил этилган ана шундай тадбирлардан бири "Ота-она ва фарзанд муносабати ҳамда тарбия" деб номланди.

Давра суҳбатида иштирок этган маҳалла фуқаролари ҳамда ёшлар ота-она ва фарзанд муносабатлари, оилада отанинг, онанинг ўрни, тарбия усуллари ҳақида кенг мулоқот қилдилар.

МУХБИРИМИЗ

Жиззах вилояти

КОЛЛЕЖЛАРГА ЯНГИ ЖИҲОЗЛАР

Жиззах шаҳридаги енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўқув устахонаси Италияда ишлаб чиқарилган замонавий тикув машиналари билан жиҳозланди.

Осиё тараққиёт банки кредити ҳисобига келтирилган мазкур дастгоҳларда барча турдаги кийим-кечакларни тикиш мумкин.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА 2006 йил УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2006 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Канада парламенти Либерал партия етакчиси Пол Мартин раҳбарлигидаги ҳукуматни истеъфога чиқарди. Бунга депутатлар орасида амалдаги ҳукуматга ишонч йўқолгани сабаб бўлди. Мазкур таклифни муҳолифатдаги Консерваторлар партияси, Квебек блоки ҳамда Янги демократик партия қўллаб-қувватлаган.

РАТА-ТАСС хабарларига кўра, ўн икки йилдан буён ҳукуматни бошқариб келаётган либераллар муваффақиятсизлиги давлат бюджетининг ноқонуний сарфланиши билан боғлиқ машмашаларга алоқадордир.

Канадада сўнгги бор ҳукумат муҳолифат тазйиқи остида 1979 йилда истеъфога чиқарилган эди.

* * *

Германия телевидениеси Ирокда жангарилар немис фуқаросини ўғирлаб кетгани ҳақида хабар тарқатди. Унда таъкидланишича, жангарилар расмий Берлиндан Ироқнинг амалдаги ҳукумати билан муносабатларга чек қўйишни талаб қилган. Ҳозирча ўғирланган фуқаронинг шахси, Ирокда нима иш билан шуғулланиб келгани аниқ айтилмаяпти.

Мутахассислар Германия ҳукумати аввалбошданоқ Ироқ урушига қарши чиққан давлатлардан бири саналишини таъкидламоқда. Шу боис мамлакат Ироққа ўз қўшинларини юбормаган эди.

* * *

Бангладешда қўпорувчилик ҳаракати содир этилди. Биринчи портлаш йирик порт-шаҳар - Читтагонгдаги суд биноси ёнида рўй берди. Иккинчи портлаш эса Газипур шаҳрида содир этилди. Бу ерда ҳам қўпорувчилик суд биноси ёнида амалга оширилган.

Ҳозирча хунрезлик ортида кимлар турғани маълум эмас. Полиция ходимларининг фикрича, бунда мамлакатдаги айирмачи гуруҳларнинг қўли бўлиши мумкин.

* * *

Венесуэла ҳукумати келаси 7 йил мобайнида нефть саноатига 60 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилишини маълум қилди. Бундан кўзланган мақсад 2012 йилга бориб кунлик нефть қазиб чиқариш миқдорини 5,8 миллион баррелга етказишдир. Айни пайтда бу кўрсаткич 3,2 миллион баррелни ташкил қилмоқда. Шунинг 2,18 миллион баррели давлатга қарашли «Петролеос де Венесуэла», қолгани эса маҳаллий ва хорижий нефть компаниялари ҳиссасига тўғри келади.

* * *

Гондурасда содир бўлган йирик транспорт ҳалокати туфайли йигирмадан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмди. Хабарларга қараганда, тоғли йўлда кетаётган юк машинаси бурилиш жойида ағдарилиб, жарликка қулаб тушган.

Хабарда юк машинасида якшанба куни ўтказилган парламент сайловида муваффақият қозонган Либерал партия тарафдорлари бўлгани айтилмоқда. Улар ғалабани нишонлаш мақсадида Ла-Пас шаҳрига кетаётган экан.

ЎзА

Истиқлол ислоҳотлари бўй кўрсатмоқда

Фарғона вилояти

ҲЎҚАНДИ ЛАТИФ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

МАҲАЛЛАЛАР ЭСА БУ ХАЙРЛИ ИШЛАРГА БОШ БЎЛМОҚДА

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Шу йили 23 августда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ҳузурида вазирлар ва идоралар раҳбарлари, масъул ходимлар иштирокида қабул қилинган Қўқон шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва молиявий соғломлаштириш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш мақсадида шаҳримизга Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси Аъзамжон Гадойбоев бошчилигидаги ишчи гуруҳи ҳам ташриф буюрди. Гуруҳ аъзолари мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилади. Кўп ўтмай бошлаб юборилган амалий ишлар самараси кўзга ташланди. Хусусан, Навбаҳор маҳалласи ҳудудидаги ва Алишер Навоий мавзесидаги газ қувурларини ҳалқалаш, Авғонбоғ, Ўрикзор, Иттифоқ, Токзор, Ғозиёғлиқ, Ғалчасой, Марғилон дарвозаси маҳаллаларида газ тармоғини ривожлантириш, шаҳар ҳудудидан четда жойлашган Муқимий шаҳарчаси алоқа хизматини яхшилаш учун янги телефон тармоғи станцияси ўрнатиш, шаҳардаги мавжуд 4-телефон тармоғи станциясини реконструкция қилиб, уни замонавийсига алмаштириш ишлари амалга оширилди. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш билан бирга, қатор саноат корхоналари иши жиддий жонланиб, тараққиёт сари йўналгани ҳам эътиборга моликдир.

Қўқондаги Миллий банк биноси

Жумладан, "Қўқонмаш", "Механика заводи", "Қўқон пойафзали" ҳиссадорлик жамиятларининг ишлаб чиқариш қуввати ошди. Янги қўшма корхоналар ишга туширилди. Янги иш ўринлари кўпайди. Яна бир қанча хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар фаолият бошлаш арафасида. Яқиндагина пиллани қайта ишлаб, ипак олишга ихтисослашган "Коко-Азия" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади.

Ҳа, Қўқон аҳли келажакка ишонч билан дадил қадам ташлаяпти.

Қўқонликларнинг руҳи баланд. Янгиянги режаларни амалга ошириш, эл-юрт равнақига ҳисса қўшиш истаги шаҳар аҳли қалбидан жой олган. Маҳаллалар эса, албатта ҳар бир эзгу ишга шай.

Ҳакимжон УМАРОВ,
Қўқон шаҳридаги А.Икромов номли маҳалла оқсоқоли.

Сиҳат-саломатлик йили — фахрийлар эъзозда

Ўзбекистон фахрийларининг "Олтиариқ" сиҳатгоҳи ташкил қилинганига 27 йил бўляпти. Уч юз ўринли бу масканда ҳар йили ўртача олти минг киши ҳордиқ чиқариб, ўз саломатликларини тиклаб қайтишади.

ОЛТИАРИҚ МЎЪЖИЗАСИ

Бу масканга келиб шифо топаётган отахону онахонлар сиҳатгоҳнинг малҳам сўзли шифокорларидан бениҳоя миннатдор.

— Ҳар гал уйларига қайтаётган отахон ва онахонлар билан хайрлашар эканман, кўзларимга севинч ёшлари келади, уларнинг ҳурсандчиликларидан тўлқинланиб кетаман, — дейди сиҳатгоҳ бош шифокори Шоҳсанамхон Мамаризаева.

Республиканинг олис Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидан ва бошқа жойлардан келаётган фахрийлар, алоҳида иззат-икром билан кутиб олиниб, махсус автобусда сиҳатгоҳга олиб келиб жойлаштирилади. Бу ердаги маъданли шифобахш сув — минг дардга даво. Унинг таркибида инсон саломатлиги учун зарур бўлган 20 дан ортиқ маъдан бор. Шунинг учун ҳам уни "Олтиариқ мўъжизаси" деб аташади. Қолаверса, бу ерда бошқа табиий даволаш усуллари ҳам қўлланилади. Ҳатто, энг машҳур "Зилха" қумидан келтирилиб, алоҳида қумхона ташкил қилинган. Беморлар ёз ойларида шифокорлар назоратида бу қумга тушиб шифо топишади.

Учқўприк туманидаги "Меҳригиё" корхонаси билан яхши ҳамкорлик ўрнатилган. Бу корхонадан 15 хилдан ортиқ дамлама олинади. Бундан ташқари, сиҳатгоҳ ҳудудидаги 2 гектар ерда наъматак ўстирилади. Чўл янтоқларидан, сой соҳилларидаги тоза ялпизлардан терилиб, ғамлаб қўйилади.

Сиҳатгоҳда 200 нафарга яқин ходим ишлайди. Уларнинг 15 нафарини шифокорлар, 42 нафарини ўрта тиббиёт ходимлари ташкил қилади. Сиҳатгоҳ шифокори Шоҳсанамхон Мамаризаева, бош шифокор ўринбосари Азизбек Мадаминов, шифокорлар Илҳомжон Қозоқбоев, Асқарали Исомиддинов, Раъногон Маматисоқова, ўрта тиббиёт ходимлари Патилахон Отаназарова, Иноятхон Полвонова, Мамлакатхон Камолова, Маҳмуджон Фозилов, Мухторжон Оғаликов ва бошқалар масканда даволанаётганлар кўнглини олиш иштиёқи билан меҳнат қилмоқдалар.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Сурхондарё вилояти

Қишлоқ фуқаролар йиғинларида

ОҚСОҚОЛ ОТА ИЗИДАН...

Сариосиёда Ғулат Ҳидиров амалга оширган хайрли ишларни одамлар ҳали-ҳануз тўлқинланиб гапириб юришади. У қарийб ўттиз йил ўзи тузган "Ўзбекистон" жамоа хўжалигини бошқарди, қўлидан келганча одамларга яхшилик қилди. Отахон 73 ёшда оламдан ўтган бўлса ҳам, ҳозиргача халқ унинг хайрли ишларини унутгани йўқ. Эндиликда хўжалик Ғулат Ҳидиров номи билан юритилади.

Яхшидан боғ қолади, деганлари рост. Эзгу хотиралар, бир-биридан қобил фарзандлар қолди ундан. Сариосиё туманида Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғинининг алоҳида ўрни бор. Шу ҳудуддаги маданий-маиший иншоотларнинг аксари олдин — саховатли Ғулат Ҳидиров раис бўлган даврда бунёд этилган. Қишлоқ фуқаролар йиғинида 15545 нафар аҳоли 3502 оилага бирлашган. Тоғ ва тоғ ёнбағирларида мавжуд 25 минг гектар майдонни ўз ичига олган қишлоқ йиғини ҳудудида ширкат хўжалигининг 1500 гектарлик лалми ерлари бор. Унда ғалла, зиғир, нўхат ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Кейинги пайтда 200 гектарлик янги боғ барпо қилинишига қишлоқ йиғини раиси Очилди Ҳидиров бош бўлди. У хўжаликни 30 йиллаб бошқарган Ғулат Ҳидировнинг ўғли. 13 та қишлоқ маҳаллалари унинг бошқарувида. Очилди Ҳидировнинг ўз меҳнат тамойили бор: ҳар бир мўлжалдаги иш ўз вақтида бажарилиши керак.

Ишга ана шундай муносабат туфайли ўтган йили Эрман, Ғалаба, Пахтакор маҳаллаларига ўн километрлаб газ қувурлари ўтказилди, 97 хўжалик хонадони газлаштирилди. Бирваракайига газ ҳисоблагичлар ўрнатилди.

Ғазарак маҳалласи тоғ ҳудудида жойлашганлиги боис сув таъминоти масаласида ҳозирга қадар муаммо бор эди. Ҳашар йўли билан тоғлардаги чашма сувлари йиғилиб, қишлоққа бир ариқ сув келтирилди. Шунингдек, маҳалла узра яқинда тортилган 9 километрлик газ қувурлари шу тоғ хонадонларининг "зангори олов" билан таъминланишига олиб келди. Тоғ йўлларининг 6 километрига шағал, 1 километрига асфальт ётқизилди. Раис Очилди Ҳидиров бир ишни бошлашдан аввал имкониятлар қидиради. Котиб Турсунқул Азимов билан маслаҳатлашиб, пухта режалар тузади. Ўз навбатида ҳомийлар кўмагидан фойдаланади. Хусусан, Ғалаба маҳалласида қишлоқ гузари қурилишида ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдувоҳид Тошевнинг ҳиссаси катта бўлди. Тортувлида замонавий автобекат ҳам худди шу тариқа пайдо бўлди. Шунингдек, қишлоқ фуқаролар йиғини жойлашган бино қайта таъмирланди. Қишлоқ йиғини маҳаллаларида ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам эътибор катта.

Омон ШУКУРОВ

Жиззах вилояти

ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА...

Бахмал туманидаги илғор фермерлардан бири Эгамберди Мамиров маҳалладошларининг оғирини енгил қилишни ўз бурчи деб билади. Яқинда у ўз ҳисобидан қувур сотиб олиб, Оломон ва Янги ҳаёт қишлоқларини тоза ичимлик суви билан таъминланишига катта ҳисса қўшди.

СУРАТДА: Эгамберди Мамиров (чапдан иккинчи) Оқтош маҳалласи фаоллари Эргаш Хўжамуродов, Ўрол ҳожи Эргашев, Сайди Эшбоевлар билан келгусидаги режалар хусусида суҳбатлашишаяпти.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ

У эъзоз ва имтиёзга лойиқ

Бугунги кунда юртимизда миллий армиямизнинг куч-қудрати, айни пайтда унинг ёшларимиз равнақи йўлидаги ўрнини янада ошириш борасида қатор ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Бугун ёшларимиз орасида ҳарбий хизматга бориш, ватан олдидаги бурчини бажаришни ифтихор, деб билувчилар кўпчиликни ташкил этади. Юрт осойишталигини қўриқлашдек шарафли ва масъулиятли вазифани зиммасига олган ватан ҳимоячиларининг шарт-шароитлари ўз ўрнида ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли тобора яхшиланиб, имтиёзлар кенгайиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида бу борада бир қатор қарорлар қабул қилинганлиги ҳам ҳарбий соҳага қай даражада эътибор берилаётганини кўрсатиб турибди.

Яқиндагина Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий-муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинганди. Унга кўра, 2005 йилнинг 1 сентябридан бошлаб офицерлар ва шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддатини ўтаганлиги учун янги ойлик фоизли устама ҳақ миқдорлари белгиланди. Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг мансаб маошлари миқдори 1,2 баравар, ҳарбий хизматдан бўшатиладиган чоғда бериладиган нафақа миқдори 2 баравар оширилганди.

Бундан кейин ҳам бу масала Юртбошимиз, ҳукуматимиз эътиборидан четда қолмади. Шу боис Президентимизнинг жорий йилнинг 31 октябридаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори ҳам ҳарбий хизматнинг нуфузи ошишига хизмат қилади.

Қарорда ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларнинг республика олий ўқув юртларида ўқишга киришлари учун уларга тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилиши кўзда тутилган. Бу ёшлар учун катта имконият, албатта. Ушбу имтиёздан ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлганларгина фойдаланади. Бу имтиёз республикамиздаги барча олий ўқув юртларида таълимнинг ҳамма йўналишларига жорий этилади. Қарорга кўра, танлов даврида керакли баллни тўплай олмаган, бироқ ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган ёшлар педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техник йўналиш бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинади. Контракт-тўлов асосида ўқишга кирган ёшлар ўқиш даврида "Камолот" ҳаракатининг талаба ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этишса, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан контракт суммасининг 35 фоизи моддий ёрдам тарзида ўтказиб берилади.

Қарорга биноан эндиликда ҳарбий қисмлар кун тартибига, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари режаси ҳамда дастурларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. Қарорда ҳарбий хизматчини танлаган ихтисосликлари бўйича мамлакат олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун ҳафтасига камида 4 соатлик қўшимча машғулотлар ўтказилиши кўзда тутилган. Шунингдек, қўмондонликка ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни самарали тарзда касбга йўналтириш, хизматни ўташ даврида ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини эгаллашларига, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашга қаратилган зарур ташкилий-техник шарт-шароитларни яратиш вазифаси ҳам белигланган. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида армияда хизмат қилган абитуриентлар учун бундан кейин бепул фаолият юритадиган тайёрлов курслари тармоғи янада кенгайтирилди. Президентимизнинг ушбу Қарори муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ўртасида ҳарбий тартиб-интизом ва фаолликнинг янада ошишини таъминлайди. Албатта, ҳар бир аскар келажагига кафолат бўлиб хизмат қиладиган бу тавсияномани олиш учун ҳарбий хизмат жараёнида ибрат ва намуна бўлишга интилишнинг кучайиши, турган гап.

Анвар КЕНЖАЕВ,
Жануби-ғарбий алоҳида ҳарбий округ ҳарбий прокурори, адлия подполковниги

Ёнғиндан сақланайлик!

ТАРҒИБОТ — МУҲИМ ҚУРОЛ

Олов бироз бепарволик туфайли ҳужумкор ёвга айланади. Умр бўйи йиғиб-терган, пешона тери билан тўплаган мол-мулкингиз, уй-жойингиз, ҳаттоки жонингизга бир лаҳзада ҳовут солади. Шундай экан, бу ёвга қарши хушёрлик билан, беаёв кураш олиб бориш зарур.

Бу борадаги тарғибот ишлари аввало, оиладан, мактабгача тарбия муассасаларидан ва ниҳоят, маҳалла ҳамда мактабдан бошланмоғи лозим. Зотан, болаларнинг катталар назоратидан четда қолиб, олов билан ўйнашлари оқибатида келиб чиқаётган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатадики, оила бошлиқлари, маҳалла-кўйнинг вояга етмаган болалар билан етарлича тушунтириш ишлари олиб бормагани туфайли кўплаб фожеалар юз бермоқда. Шу боис, бола онгида ёнғинни келтириб чиқарувчи омиллар, унинг оқибатлари ҳақидаги тассавурни жуда эрта шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бола мурғаклигидан онгига сингдирилган қўникмаларни унутмайди. Бу қўникмалар уни хушёрликка ундайди. Бу борада болалар боғчаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига бағишлаб ўтказилаётган суҳбатлар ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Афсуски, болалар иштирокидаги ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот ишлари нечоғли кенг қўламда олиб борилишига қарамасдан, бахтсиз ҳодисалар рўй бериб турибди. Бунинг олдини олиш учун эса жойларда маҳалла — мактаб — оила ҳамкорлигини кучайтириш даркор. Хусусан, маҳалла посбони, маслаҳатчи ҳамда фаоллардан иборат гуруҳ тузилиб, таълим муассасаларида, хонадонларда тарғибот ишлари кучайтирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

А.ЖАББОРОВ,
Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ЁХБ ходими.

Суддан сўнг...

ИЙМОНДАН АЙИРГАН ГУМОН...

Ҳа, ёши бир жойга бориб қолган Жўра отанинг беҳуда гумони Гулинисони жондан, Наргизани онадан, Насрулла бобони уй-жойидан Жўра отанинг ўзини эса озодликдан маҳрум этди.

Насрулла бобонинг янги қурилган, ҳали битмаган уйига сира кутилмаганда ўт кетди. Ҳамма ташвишга тушди. Қўниқўшнилар қўлларига илинган идишни кўтариб, ҳовузу ариқларга чопишди. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўтни ўчиришга жон-жаҳди билан киришишди. Сал бепарволик қилишса бу тилсиз ёв биргина Насрулла Раҳмонов хонадонига эмас, ён қўшниларга ҳам катта зарар етказарди.

Ёнғин нимадан чиқиши мумкин... Электр ҳали уланмаган, ситиш воситалари ҳам қурилганича йўқ.

... Тақдир ўйинларига сира тушуниб бўлмайди. Гулинисо ўз вақтида унча-мунча йигитни ўзига тенг кўрмади, ота-она насиҳатларига кўнмай, совчиларни "менинг тенгим эмас" деб қайтарди. Ўзи кўз остига олган йигитлар эса унга қиё боқишмади, бошқаларга уйланишди. Нима бўлганда ҳам "қари қиз" бўлиб уйда қолиб кетди.

Кунларнинг бирида Китоб туманидан Мироқи кўрғонига келиб ишлаётган Жўра Усмонов Гулинисо билан турмуш қуриш хоҳишини билдириб, ўртага одам қўйди. Жўра илгари турмуш қурган, тўрт нафар фарзанд кўрган, аммо хотини билан муросаси чиқишмай елкасига тўнини ташлаб, уйдан чиқиб кетган эди. Гулинисонинг қариндош-уруғлари куёв бўлмишга "Илгариги оиласи билан қонуний чиқди-кўйди қилсин" деган талаб қўйишди. Шундай бўлди ҳам. Кўп ўтмай Тошқўрғон қишлоғида янги оила ташкил топди. Улар Гулинисонинг ота-онасидан қолган ҳовлида яшай бошлашди.

Баъзан оилада Жўранинг ёши Гулнисоникидан анчагина фарқ қилиши, илгари уйланганлиги ҳақида гап-сўз бўлиб турар, аммо "...дока рўмолнинг қуриши" деганларидек, майда-чуйда сўзлар тезда барҳам топарди. Оилада фарзанд туғилиши, Наргизанинг дунёга келиши эса эр-хотин ўртасидаги иликликни анча мустаҳкамлади.

Аммо яна нима бўлдию, кейинги вақтларда, эр-хотиннинг ораларидан "ола мушук ўтиб", арзимаган баҳоналар келишмовчиликка, кўп ҳолларда уруш-жанжалга айланадиган бўлиб қолди. Рўзғордаги майда гаплар таъсир қилдими, ёки бошқа сабабли Гулинисо тез-тез касалга чалиниб, ногирон бўлиб уйда ўтириб қолди. Устига-устак эр ҳам бекорчи эди, кўз-кўзга тушди дегунча ғазаблар тўқнашарди.

Рашкчига ҳамиша чумоли фил, қумурсқа махлуқ бўлиб кўринади, деганларидек ҳеч қаерда ҳеч гап йўқ Жўра хотинини бировлардан қизғана бошлади. "Аниқ биламан, қўшнимиз Насрулла сенинг ўйнашинг, у билан пинҳона учрашиб юрасан" деб беҳудага кунора жанжал чиқарарди.

— Ана шу чол сени эс-хушингдан айирган. Сени ҳам, ўша хушторингни ҳам бир ёқли қилмасам суягим жойига тушмайди.

— Шу гапларни ўйлаб гапиряпсизми? Мен бир касалманд хотин бўлсам, қайси ҳолимга кўнглимга шундай беҳаёликлар сиғади? Эшитган қулоққа яхши эмас, ўзингиз ҳам кексайган одам бўлсангиз, одамлар, қўшнилар нима дейишади, ахир? Ўзимиз-ку — ўзимиз, бир бегуноҳ одамнинг ҳам юзига лой чаплаяпсиз...

Гумон иймондан айиради. Ўзаро ишончсизлик, ҳақорат эр-хотиннинг кундалик одатига айланиб қолди. Эр хотинига янги-янги гуноҳлар қўяр, исботсиз ҳақоратлар Гулинисони ниҳоятда эзар, жонидан тўйғазарди. Ва ҳамиша бунинг азобини кичкина Наргиза тортар, бир онасига, бир отасига ёлворганча талпиниб улардан меҳр, мадад истарди. Аксинча, улардан раҳм-шафқат ўрнига дўқ-пўписа эшитар, отаси юзига тортган тарсакидан гангиб, беҳол ётиб қоларди.

2005 йил 13 февраль. Жўра бобонинг роса жазаваси тутиб қуюшқондан чиқди шу куни. Шом кириши билан бошланган даҳшатли жанг ярим кечага бориб муштлашишга айланди. Гулинисо бутунлай ҳолдан тойиб ётиб қолди. Шунда ҳам эр раҳм-шафқат қилмади, хотинини аламидан чиққунча дўппослади. Наргиза "дадажон, раҳм қилинг, ўлдириб қўясиз бечора онамни" дея ёлвориши отага кор қилмади. "Кўрпага кир, юзингни бекит, бўлмаса сени ҳам онанг билан бирга гўрга тиқаман" деган дағдағасидан кейин, бечора қиз отасининг қонга тўлган кўзларига қайта боқа олмади.

Жўра бобо ҳушдан оққанди. Энди у нима қилаётганлигини англашга ҳам ожиз эди. Ҳар томонга алаҳсираб боқаркан токчада турган пичоққа кўзи тушди. Уни олиб Гулинисонинг ярим жон танасининг тўғри келган жойига санча бошлади. Бундан ҳам кўнгли тўлмай бўғзига тиғ тортди.

"Бирини тинчитдим, энди ўйнашидан ҳам ўч олишим керак" деди лаблари пичирлаб. Турли хаёллар билан ҳар томонга талвасаланди, режа тузди. "Уйига босиб бориб, товар билан бошини мажақлайман". Бола-чақалари дод солиб, ишкал чиқаришини ўйлаб бу хаёлидан тез қайтди. "Ҳа, мол аччиғи, жон аччиғи, мен уни уй-жойидан ажратиб хонавайрон қиламан. Бировнинг хотинини йўлдан уриш нималигини билиб қўйсин" деди-ю, бензин тўлдирилган идишни қўлига олди. Арматурага латта-лутталарни ўраб кўчага чиқди. Ёқилғини қўшнининг ҳали қуриб битказилмаган, ҳозирча моллар емиши бостириб қўйилган уйига қўйиб чиқди. Гулхан қилиб ўралган, бензинга ботирилган латталарни ўт олдириб хонага улоқтирди...

... Қўшнилар оловни ўчиргач, бутун маҳаллани ларзага келтирган шовқин-суронга қарамай, негадир Жўра бобонинг бу ерда кўринмаганлиги кўпларда шубҳа уйғотди. Унинг хонадонига хабар олиш учун киришганда эса юқоридаги сира кутилмаган ҳолатга дуч келишди. Шундан сўнг маҳалладошларнинг қўшниси Насрулла Раҳмоновникига ўт қўйган ҳам Жўра Усмонов эканлигига шубҳалари қолмади.

Рашк, гумон деб аталмиш шубҳа Гулинисо Юсуповани жондан, ёш, вояга етмаган Наргизани онадан айирди. Мутлақо гуноҳсиз қўшнилар хонадонига катта иқтисодий зарар етди. Жиноятчи эса қилмишига яраша жазоланди, 14 йил озодликдан маҳрум этилди.

Бу мудҳиш воқеа, аниқроғи фожеага баҳо бериш, аниқ бир хулоса ясашга ожиз қоласан, киши. Негаки, бунга ҳали ақлини йиғиштириб олмаган ёш ёки ақлан заиф одам эмас, бундай жиноятларнинг оқибатини, ҳаётда оқ билан қоранинг фарқини англаши лозим бўлган, ёши етмишни қоралаган чол қўл урган. Бундай ҳолларда воқеага ҳар ким ўз фикри ожизи билан ёндошиб, ўзича бир фикрга келади, шубҳасиз. Келинг, иймондан айирган гумон ҳақида хулосани ўзингиз чиқаринг.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Фуқаролар йиғини тизими лавозимлари: маслаҳатчи қандай ишлаяпти?

МАЪРИФАТ ДАРАХТИ

Бугунги кунда Республикамиз бўйича 7500 нафарга яқин маҳалла маслаҳатчиси, яъни, диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият юритишмоқда.

СИНОВ ДАВРИ

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги Фармонидан кейинги давр синовларга тўла йил бўлди, десак янглишмаймиз. Дастлабки иш маслаҳатчиларнинг ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий билимларини оширишдан бошланди. Аввало, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ходимлари ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг "Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларни ўқитишга бағишланган махсус курси"нинг биринчи босқичида 26 соатлик дарс ўтилди. Биринчи босқич тугагандан кейин хотин-қизлар қўмиталари ходимлари ўз туманларига маҳалла маслаҳатчиларининг вазифаларига бағишланган ўқув машғулотларини давом эттирдилар.

Маслаҳатчилар фаолиятини янада фаоллаштиришга қаратилган ўқувлар ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ва маҳаллалар ҳудудларида, жорий йилнинг февралидан бошлаб эса вилоятларда маслаҳатчилар учун шанба кунги ўқувлар ташкил этилган.

2004 йилнинг октябрь ойидан бошлаб Тошкент Ислом университетида вилоятлар мутасадди раҳбарлари ва маслаҳатчилари учун ҳафталик ўқув семинарлари ташкил этилди. Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Молия, Юридик ва Ўзбекистон Миллий университетларининг бир гуруҳ олим ва профессорлари вилоятларда бўлиб, маслаҳатчилар билан семинарлар ўтказдилар.

Маслаҳатчи фақат ислом динига эътиқодли кишиларнигина эмас, балки эътиқодидан қатъий назар барча маҳалладошларимиз турмуш тарзини ҳам яхши билиши лозим. Кўп миллатли маҳаллаларда фаолларнинг турли миллат вакилларидан бўлишига эътибор берилади. Шу ўринда маслаҳатчиларимизнинг илмга интилишлари диққатга сазовордир.

Кўпинча "Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолиятига тўсқинлик йўқми?", деган саволни эшитиб қоламиз.

Асло, чунки бу лавозим мустақил Ўзбекистоннинг бугунги эҳтиёжи, эркин демократик жамиятда яшовчи барча халқлар каби инсонларнинг виждон эркинлиги, диний эътиқоди, қонуний кафолатланганлиги туфайли юзага келди. Мамлакатимиздаги турли миллат вакиллари ўз миллий-диний қадриятларига, урф-одатларига амал қиладилар, қайси динга эътиқод қилиш ҳар кимнинг ўз ихтиёридадир ва диний маърифат маънавиятимизнинг узвий бир бўлаги сифатида қадрланади. Кимки бу соҳада яхши ишлолмаётган бўлса, бу унинг ўз фаолиятсизлигидан келиб чиққан тўсиқ. У ҳам бўлса, билимсизлик, маърифатсизлик ва ўз устида ишламаслик оқибатидадир.

Маслаҳатчининг фаолиятида ёшлар билан ишлашнинг аҳамияти алоҳида. Чунки бугунги фаолият нафақат бугунни белгилайди, балки келажакка ҳам пойдевор яратади. Маслаҳатчи ўз фаолияти давомида ёшлар билан ҳисоблашиши, уларнинг фикр-мулоҳазаларини баҳолай олиши зарур. Дарҳақиқат, биз катта авлод бугунги ёшлар дунёсини тўғри баҳолай олишимиз жуда муҳим. Шундай ёшлар борки, уларга қараб, ҳавасинг келади. Улар теран фикрлайдилар, илмли бўлишга интиладилар. Чунки улар мустақиллик даври таълимотини олиб, ўз эркларига эга бўлган ёшлар. Афсуски, айни кунда умрларини шамолга совириб яшаётган ёшларимиз ҳам йўқ эмас.

КАТТА ОИЛАДА

Маслаҳатчи "Оила — мактаб — маҳалла" босқичида иш олиб боради. Шу ўринда "Қуш уясида кўрганини қилади", "Қовун қовундан ранг олади", "Бир болага етти қўшни ота-она" каби халқ ҳикматлари эсга тушади. Албатта, боланинг биринчи устози ота-онадир. Демак, чин инсонликнинг асоси оилада қўйилади, жамиятда камолга етади.

Ривоят қилишларича, Мусо (а.с.) замонларида бир фосиқ донодан сўрабди:

— Мен инсонлар жонига озор етказганман, тавба қилсам, Аллоҳ кечирадими?

Доно ўйлаб туриб дебди:

— Сен бу ердан — фосиқлар шаҳридан тезда чиқиб кет. Бизга қўшни шаҳар одамлари фозил ва маърифатли инсонлар. Ўша шаҳарга борсанг, улар сенга ёрдам берадилар, яхши амаллар ўргатадилар. Аллоҳ кечиради.

Фосиқ ўша томонга қараб шамолдай учибди. Шаҳар чегарасига етганида йиқилиб, жони узилибди. Шунда дўзах ва жаннат малоикалари келиб, уни ўз манзилига олиб кетиш учун талаша бошлабдилар. Шунда ғойибдан бир овоз келибди:

— Сиз унинг жасади ётган жойни ўлчанг, қайси томонга кўпроқ ўтган бўлса, бу одам ўша томондадир.

Фосиқнинг жасади маърифатли шаҳар томонга кўпроқ ўтган экан, унга жаннат фаришталари эга чиқибдилар.

Демак, жаҳолатнинг давоси маърифат экан. "Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат" деб Юртбошимиз бежизга айтмаганлар.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла маслаҳатчиларимиз инсонни руҳий, жисмоний фалокатдан қутқарувчи халоскор куч — диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбияда эканлигини англаб, шу тамойил асосида ишлашлари даркор.

Раъно РАҲМОН қизи,
Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси диний-маърифат масалалари бўйича бош мутахассис.

Навоий вилояти

МАСЛАҲАТЧИЛАР УЧУН СЕМИНАР

Навбаҳор тумани марказий шифохонасининг мажлислар залида маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, ижтимоий таъминот бўлими ҳамда саломатлик маркази ҳамкорлигида "Оилада тиббий маданиятни ошириш" ва "Соғлом оила, соғлом келажак" мавзуларида семинар бўлиб ўтди. Унда туман марказий шифохонаси бош шифокори Б.Ғаффоров ва туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Эржигитоваларнинг маърузалари тингланди.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

Болалар спорти

«СОҒЛОМЖОН-ПОЛВОНЖОН»

Сирдарё вилоятида белбоғ кураши ишқибозлари сафи кенгайиб бормоқда. Айни пайтда бу спорт турининг оммалашувига ҳисса қўшаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Боёвут туманининг Т.Латипов номидаги ширкат хўжалигида яшовчи Зулҳайдар Эгамбердиев ана шуларнинг бири.

У тумандаги 36-мактаб қошида белбоғ кураши бўйича тўгарак ташкил этган. Бу ерда юз нафардан зиёд бола спорт билан мунтазам шуғулланади. Биринчи синф ўқувчиси Жамол Эгамбердиев эса тўгарақнинг энг ёш аъзоси бўлиб, у кураш тушишни тўрт ёшида бошлаган.

Жамол Эгамбердиев белбоғ кураши бўйича вилоятда ўтказилган «Соғломжон-полвонжон» мусобақасида барча тенгқур рақиблари елкасини ерга тегизиб ғолиб бўлди.

— Жамолдан умидимиз катта. Тўгарагимизда унга ўхшаган иқтидорли болалар жуда кўп. Мақсадимиз қишлоқ ёшлари ўртасида спортни янада оммалаштириш, уларни ҳар томонлама бакувват, соғлом ва баркамол этиб вояга етказишдан иборат, — дейди тўгарак раҳбари Зулҳайдар ака.

Дилором ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

Коммунал тўлов

Қорақалпоғистон Республикаси

ҚАРЗДОР МАНСАБДОРЛАР...

Фараз қилайлик, хонадонингизда электр қуввати, табиий газ ва ичимлик суви таъминотида бир кун узилиш бўлди. Шубҳасиз, бундай пайтда ташвишу муаммолар ва саргардонликлар анча ортади. Хўш, ҳаётимизга сингиб кетган мазкур хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилаяптими? Афсуски, айни кунда бу борада бир қанча муаммолар мавжуд.

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида Беруний туманида электр қуввати, табиий газ ва ичимлик сувидан истеъмолчилар қарздорлиги 2.275 миллион сўмга етди. Айниқса Шоббоз, Наврўз маҳаллаларида қарздорлик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробарга ортди. Саркон овул фуқаролар йиғинида эса тўловдан қарз миқдори 60 миллион сўмдан кўпроқни ташкил қилади. Ушбу овул фуқаролар йиғини раиси Д.Работова қарздорликнинг асосий сабабини хонадонларга газ ўлчагичлар етарли ўрнатилмаганлиги билан изоҳлайди.

Бундай ачинарли ҳол Элликқалъа туманида ҳам мавжуд. Туманда коммунал тўловлардан қарздорлик ушбу йил бошидан буён 1210 миллион сўмга етди. Айниқса, Қилчиноқ, Боғёп овул фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги аҳоли, ташкилот ва корхоналар қарздорлиги юқори бўлмоқда.

Коммунал хизматлардан қарздорлик Тўрткўл, Амударё, Чимбой туманларида ҳам бир неча миллиард сўмга етганлиги ташвишли ҳолдир.

Энг ачинарли жиҳати, бундай қарздорликнинг маълум қисми мансабдор шахслар ҳиссасига тўғри келаётганлигидир. Масалан, Элликқалъа тумани умумий овқатланиш корхонаси раҳбари Д.Алламуродов, "Элликқалъа тутиниу" жамияти раиси А.Сейитов, Шоббоз овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Хумо" масъулияти чекланган жамият раиси Ж.Рейимбоев, Навоий номли фермер хўжаликлар уюшмаси раҳбари М.Қозоқов, Қиёт хўжалиги раҳбари П.Ражабов, Тўрткўл савдо базаси раиси Хўжаниёзов, Миллий банкнинг Тўрткўл тумани бўлими бошқарувчиси Аллашукуров каби 200 га яқин мансабдор шахслар коммунал хизматлар учун тўловларни пайсалга солиб келганлар.

Қарздорлик Хўжайли туманининг ўндан ортиқ маҳаллалари ва овул фуқаролар йиғинларида катталигича қолмоқда.

Бундай муаммоларни бартараф қилиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниёзов бошчилигида махсус комиссия тезкорлик билан амалий ишларни бошлаб юборди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент вилояти

ЭСКИ ТАЖРИБА ЯНГИ ИШДА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Бекобод шаҳридаги Охунбобоев номли маҳалла иш тажрибасидан

Бу маҳаллада кўпгина хайрли ишлар амалга оширилганлиги боис у ташаббускор номини олган. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳайитбой Ёрматовнинг ишлаб чиқариш соҳасида орттирган тажрибаси ва тадбиркорлиги маҳалла ишларини бошқаришда айниқса, қўл келяпти. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан байрам ва оммавий тадбирлар маҳаллада уюшқоқлик билан ўтказилади. Кам таъминланган оилалар ва боқувчисини йўқотган кимсаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш маҳаллада яхши йўлга қўйилган. Яқинда "Ўзметкомбинат" корхонаси томонидан 30 нафар ана шундай оилаларга ёрдам пули ажратилди.

Маҳалла оқсоқоли Ҳ.Ёрматов маҳалла фаоллари билан навбатдаги қилинажак ишлар хусусида суҳбатлашмоқда.

Айниқса, маҳаллада ободончилик ишларига катта эътибор берилади. Эрта баҳорда маҳалла ҳудудига 3600 туп турли хил дарахт кўчатлари ўтказилди. Маҳалланинг Абдулла Қаҳҳор номли кўчасида яшовчи Эсонали Аҳмедов илгари чиқиндихона бўлган ташландиқ жойларни тозалаб, ажойиб боғ яратди. Ҳамза, Охунбобоев номли кўчаларда яшовчи аҳоли ҳашар йўли билан сув қувурларини алмаштирдилар. Ибн Сино номидаги кўчада яшовчи аҳоли эса йўлларни таъмирлашга ҳисса қўшдилар.

Маҳаллада мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Касбга йўналтириш мақсадида бекор юрган болалар маҳалладаги ҳунармандларга бириктириб қўйилди. Тарбияси оғир болалар назорати эса кўчабошиларига юклатилган. Шу мактабни тамомлаган 14 нафар ёшлар комбинатга ишга жойлаштирилди.

Энг яхши ташаббуслардан бири эса маҳалла фуқаролар йиғини томонидан мактабнинг 8 нафар аълочи ўқувчиларига маҳалланинг пулли мукофоти жорий этилганидир.

Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан маҳалладаги 40 нафар оилаларга бепул дори-дармон тарқатилди. Ўзаро низолар юзага келган 18 та оиладан 14 таси яраштириш комиссияси аралашуви билан муросага келишди.

Ашурали БОЙМУРОД

Олам турфа

ТУНГИ ҚИРОАТХОНА

Дрезден шаҳридаги кутубхона кеч соат 19 дан 24 гача иккинчи смена да ишлайди.

Кечки пайт китоб ва журналлар, магнитафон ёзувлари, долзарб мавзуда лекциялар, ҳажвчиларнинг чиқишлари кутубхонага ташриф буюрувчилар хизматидадир. У ерда шахмат ва бильярд зали бор.

Кутубхонани кечки клуб деса бўлади. Ёшларда китобга бўлган қизиқиш ўзгардими? Ҳа, уларда бадиий адабиётгагина бўлган қизиқиш эмас, балки илмий адабиётга ҳам қизиқиш ортмоқда.

* * *

Маълумки, айрим одамлар тунда ухлашолмайди. Ундайлар "бойқуш"лар ҳам деб юритилади. Лос-Анжелесда қироатхонанинг махсус бўлими тунги соат 10 дан эрталабки 6 гача ана шундай одамлар учун хизмат қилади. Табиийки, қироатхона хизматчилари ҳам асосан "бойқуш"лардан иборат.

ТУНГИ БОҒЧАЛАР

Одатда болаларни боғчаларга эрталаб олиб боришади. Аммо Брюсселда одатдан ташқари боғча вор.

У тунда ишлайди. Унга болалар кечки соат 17.30 дан 22 гача қабул қилинади. Эрталаб эса соат 5.30 да ота-оналар уларни олиб кетишади. Боғча директорининг айтишича, боғчага фақат тунда ишлайдиган ота-оналарнинг болалари қабул қилинади.

"Mahalla"нинг футбол ғузаридаги мулоҳазалардан

ФУТБОЛДА ТИББИЁТНИНГ ЎРНИ

Маълумки, яқинда футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 2006 йилда Германияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш мусобақаларида катта имкониятни қўлдан бой бердилар.

Тўғри, бугун ўзбек футболи ривожланиб бормоқда. Албатта, терма жамоамизнинг аввалги йиллардаги саралаш мусобақаларига нисбатан жорий йилда анча юксак савиядаги ва чиройли ўйин намойиш этганини тан олиш жоиз. Бироқ мухлислар учун энг муҳими — ғалаба. Уни "миллионлар ўйини"нинг миллионлаб ишқибозлари орзиқиб кутадилар. Терма жамоамиз футболчилари эса, таассуфки, кўпдан буён орзиқиб кутилган қувончли онларни мухлисларга ҳадя эта олмадилар. Нега?

Мен кўп йиллардан буён Бекободнинг "Металлург" футбол клубида шифокор бўлиб ишлайман. Ўз навбатида футболга астойдил қизиқаман. Спортчилар саломатлиги бўйича ҳам орттирган тажрибам етарли. Шу боис, мамлакатимиз футболи келажаги хусусида, унинг ривожланиши йўллари, чора-тадбирлари ҳақида ўйлайман.

Менимча, муваффақиятга эришиш учун аввало, хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқаришни ўрганиш лозим. Омадсизликнинг бош сабабчиси ўзимиз эмасми, деган ўй билан яшаш керак. Футболимиз пойдевори мустаҳкамланса, тараққиёт учун асос яратилади. Бунинг учун жойларда болалар футболига эътибор кучайтирилиши зарур бўлади. Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси қатор ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳалла болалари ҳамда ўсмирлари ўртасида "Футболимиз келажаги" турнирини ташкил этиб келмоқда. Назаримда, бундай турнир ва мусобақалар кўпайтирилса, уларга эътибор янада оширилса, бу борадаги орзуларимиз рўёби янада жадаллашади. Шунингдек, миллий чемпионатимиз — олий, биринчи ва қуйи лигалар мусобақаларини юқори савияда ташкил этиш, клублар имкониятини, ҳолатини яхшилаш даркор. Яна бир муҳим жиҳат — футболчиларнинг саломатлиги хусусида. Тўғри, республика миқёсидаги номдор футбол клубларида бу масалага жиддий эътибор қаратилган. Аммо футболчиларимизнинг клубдаги фаолиятига қадар бўлган болалик, ўсмирлик даврида уларнинг саломатлиги хусусида ким қайғуради? Албатта, ота-оналари, яқинлари, ўқув муассасалари ходимлари... Спортчи саломатлиги ҳақидаги ташвишланарли муаммолар асосини, аслида ана шу даврдан қидириш керак. Негаки, бола саломатлигига ёшлигида жиддий эътибор қаратилмаса, бунинг асорати у улғайганда юзага чиқади. Жаҳон футболида тезкор ўйин намойиш этаётган футболчилар муваффақиятлари ҳам фақат мураббий тактикаси, малакаси билан боғлиқ эмас. Уларнинг ютуғи — жисмоний баркамоллигида, саломатлигида ҳамдир. Шу боис, мамлакатимизда ҳам спортни, хусусан, футболни ривожлантириш имконини излар эканмиз, ўз навбатида аввало, оилада, маҳаллада тиббий маданиятни кучайтириш талаб этилади. Бу борадаги ишлар ўзибўларчилик қабилида эмас, балки пухта дастур ва режалар асосида йўлга қўйилиши керак. Зеро, жаҳон чемпионатига чиқиш имкониятидан маҳрум бўлган футболчиларимизга қаратилган таънаю дашномларимизга ана шу талаблардан ҳам жавоб қидирайлик.

Мирзабурҳон ДЎСТМУРОДОВ,
Бекободнинг "Металлург" футбол жамоаси шифокори.

Ҳурматли обуначилар!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календари штампели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганлиги, пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Бугун бўлмаса ҚАЧОН?!

Азиз муштарий!

Сиз ушбу варақани қирқиб олиб, тўлдириб обуна уюштирувчи бўлимларга борсангиз, обунани ҳеч қийинчиликсиз амалга оширасиз.

Ўзбек ҳунармандларининг довруғи

"...ИСТЕЪДОДЛИ КИШИЛАР ЎЛКАСИ..."

"Ўзбеклар тенги йўқ гилкор, уста наққошлардир, — деб ёзган эди рус элшуноси Н.П.Остроумов XIX асрнинг охирида. — Улар нозик ва гўзал нақш ишлайдилар, фақат ёғочга эмас, шунингдек, мармар тошга, металлга нозик ва гўзал нақш солишлари, газмолга ранг-баранг гуллар, геометрик шакллар туширишларига қараб, уларнинг моҳирлигига, санъатига қойил қоласан"

Юртимиз ҳунармандлари тайёрлаган аъло сифат маҳсулотлар 1872 йили Москвада, 1873 йили Венада, 1878, 1900 ва 1910 йилларда Парижда, 1888 йилда Копенгаген, 1893 йили Чикаго, 1897 йили Стокгольмда, 1902 йили Лондонда, 1906 йили Италияда, 1914 йили Берлинда ташкил этилган жаҳон кўргазмаларида намойиш этилиб юксак баҳоланганлиги ўша давр матбуотида ёритилган. Бу кўргазмаларда ўз даврининг моҳир ҳунармандсанъаткорлари ҳам ўз асарлари билан қатнашиб, ўзбек ҳунармандчилигининг довруғини жаҳонга таратган эдилар. Жумладан, 1900 йилги Париж кўргазмасида самарқандлик ҳунарманд Мирзо Абдулло Бухорий ва Муҳаммад Ниёзовлар ўз корхонасида тайёрлаган шойи ва бахмал буюмлари, ипак ва сернақш гиламлари, Мирза Барот Қосимов ўзиниг хаттотлик ва рассомлик намуналарини намойиш этиб, кўргазманинг олтин нишони билан, тошкентлик Раҳматулла Назаров, Юсуфжон Ибрагимжонов, Абдурасул Қориев, Исо Муҳамедов, Абдулла Хўжаев, Инағом Шоабдурасуловлар гилам, шойи материаллар, шойи кашта, сўзана, олтин ва кумушдан ясалган заргарлик ва зардўзлик буюмларини намойиш этиб, кўргазманинг олтин, кумуш ва бронза нишонлари билан тақдирланган эдилар. Юртимиз ҳунармандлари 1902 йили Англияда, 1906 йили Италияда, 1914 йили Берлинда ўтказилган Халқаро кўргазмаларда қатнашиб, аъло сифатли ва ранг-баранг маҳсулотлари, буюмлари учун муносиб тақдирланган эдилар. Кўргазмада Андижон, Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент ва Шаҳрисабз ҳунармандлари қатнашганлар.

Ўзбек ҳунармандлари XX-XXI асрларда ҳам Шарқ ва Ғарб мамлакатларида ташкил этилган Халқаро кўргазма ва ярмаркаларда ҳам мунтазам қатнашиб келмоқдалар ва юртимиз ҳунар аҳли маҳсулотларини, буюмларини жаҳон бўйлаб намойиш этиб, унинг довруғини янада оширмоқдалар. Жумладан, 1925 йилнинг кузида Париждаги "Бутун дунё нафис ҳунармандчилик санъати" кўргазмасида Бухоро, Самарқанд ва Тошкент кашталари, сўзаналари, гиламлари, заргарлик ва зардўзлик буюмлари, Нурота, Китоб, Ургут, Қарши, Шаҳрисабз ва Хиванинг сержило ва нафис гилам ва палослари, атлас, бекасам, шойи материаллари, мисгарлик буюмлари, гўзал ва ранг-баранг дўппилари, Ургут ва Шаҳрисабзнинг гўзал кашталари францияликлар олдида намойиш этилиб, юксак муваффақиятларга эришдилар. Тантанали ва уюшқоқлик билан ўтган бу кўргазмада юртимизниг машҳур санъаткорлари Муҳиддин Қори Ёқубов ҳамда Тамарахонимлар катта концерт берганлар.



Орадан кўп ўтмай,1937 йили Парижда яна Жаҳон ҳунармандчилик кўргазмаси ташкил этилди. Бу кўргазмага Ўзбекистондан аввалгисидан кўпроқ халқ усталари, ҳунармандлари ўзларининг турли хил буюмлари, ҳунармандчилик маҳсулотлари билан фаол қатнашдилар. Кўргазмада намойиш қилиш учун самарқандлик чеварлар ижод қилган сўзана, зардевор, зебтахмон, болипуш, Нуротадан мармардан ясалиб бадиий ишлов берилган нафис лаган, гулдон, панжаралар, патли ва патсиз гиламлар, Риштондан сопол буюмлар, Шаҳрисабздан яхши сайқал топган ироқи дўппилар, Бухородан эса зар билан тикилган миллий кийим-кечаклар кўплаб олиб борилди.

Унда Марғилонда М.Худоёров раҳбарлик қилган атлас ва бекасам тайёрлаб чиқарадиган корхона жамоаси ҳамда Самарқанддаги "Хотин-қизлар меҳнати" артелининг О.Маъруфова, Э.Халилова, Ш.Шукурова сингари чеварлари тайёрлаган кашта ва сўзаналар олтин нишонлар билан, Шаҳрисабздаги бадиий тикувчилик артели чеварлари ижод қилган "Ироқи" каштаси диплом билан тақдирланган. 1983 йили Италиянинг Тоди шаҳри Мэри Волфиеро Будасси карнай-сурнай садолари остида Ўзбекистоннинг кўргазма лентасини кесгач, томошабинлар кўз ўнгида Ўзбекистон жилолари товланиб кетди. Фарғона, Жиззах ва Хоразмда тўқилган ранг-баранг сернақш гиламлар, шолчалар, ургутлик чеварлар Сабоҳат Раҳматуллаева, Моҳира Облоқуловаларнинг кашталари, самарқандлик кулол Абдураҳим Мухторов сайқал берган сопол буюмлар, хоразмлик Райимберди Матжонов ва Сиддиқ Отажонов ясаган жарангдор кулолчилик буюмлари томошабинлар томонидан зўр қизиқиш билан кузатилган.

"Биз ғоят истеъдодли кишилар ўлкасини кашф этдик. У Ўзбекистон деб аталади", "Бу санъат асарлари Италиянинг энг яхши музейларини безатади", "Раҳмат, сизга азиз ўзбекистонлик усталар", "Қўлларингиз яратган ажойиб асарларни кўриб чексиз қувончларга тўлдик", деган дастхатларни Италиянинг Тоди шаҳрида очилган Ўзбекистон безак амалий санъат кўргазмасида бўлган 8 мингдан зиёд киши томошабинлар китобига ёзиб қолдирган.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Навоий вилояти

Юртдошларимизга хос хислат

МАҲАЛЛАДОШЛАР МУРУВВАТИ

У ўксик кўнгилларга малҳамдир

...Эллигинчи йилнинг куз ойлари эди ўшанда. Кундузи шивалаб ёққан ёмғирдан сўнг атрофни қуюқ туман қоплаган, аччиқ изғиринли шамол қордан дарак бериб турарди. Аммо кечаси Наима опанинг эшигини тақиллатиб келган кимсалар унга қордан ҳам совуқ хабар айтишди. Эри трактори билан лойли йўлда тойғониб, жарликка қулаб кетибди.Эрининг қонга белланган танасини кўриб, Наима опанинг кўз олди қоронғулашиб кетди.

Деворга беҳол суянаркан, отасиз қолган етти боласи кўз олдида гир-гир айланарди... Бу жудолик уни қаттиқ гангитиб қўйди. Аммо ғамга ботиб ўтирса, болалари оч қолишини билиб, тезда ўзини қўлга олди. Эри ярим йўлда ташлаб кетган ҳаёт деб аталмиш бу оғир аравани энди унинг ёлғиз ўзи тортишдан бошқа чораси қолмаганди. Наима опа кунни кун, тунни тун демай меҳнат қилди, рўзғор тебратди, болаларининг отасизлигини сездирмасликка уринди. Фарзандлари оёққа тургач, машаққатли кунлари анча ортда қолди. Ўғилларини уйлантириб, қизларини турмушга берди. Назарида ҳаммаси бахтлидек эди. Аммо катта куёви... Ичкиликка муккасидан кетиб, тўрт боласини ташлаб кетди. Устига-устак хотини Фазолатни уриб, ногирон қилиб қўйди. Энди Наима опанинг қийин кунлари қизи Фазолатнинг ҳаётида такрорланаётганди...

Аммо у қанча елиб-югурмасин ногиронлиги панд бериб қўярди. Минг машаққатлар билан фарзандларини оёққа турғазди. Уларни уйли-жойли қилишга келганда Фазолатнинг боши қотди. Чунки ўғилларини уйлантириб, қизларини узатишга аёлнинг қурби етмас эди. Шу боис бу ҳақда онаси ва холаси Ойбиби билан маслаҳатлашди. Бироқ қанча маслаҳатлашишмасин тўй қилиш учун уларда на маблағ ва на имкон бор эди. Холаси ўйлай-ўйлай маҳалла оқсоқоли Зафар аканинг олдига йўл олди. Оқсоқол унинг фикрини қўллаб-қувватлади. Фермерлар, тадбиркорлар ва маҳалла фаолларидан ёрдам уюштиришни оқсоқол ўз бўйнига олди. Хуллас, тўй тараддуди бошланиб кетди. Тўй учун керакли харажатлар тайёр бўлгач, совчилар ишга тушди. Тўйда бутун маҳалла аҳли қўлидан келган ёрдамини аямади. Наима опа билан Фазолатнинг эса қувончи чексиз эди. Корига яраган маҳалла аҳлидан миннатдорлиги уларнинг шодлик барқ урган юз-кўзларидан билиниб турарди...

Менглибой МУРОДОВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)

Айни кунларда юзага келадиган муаммолар ортиқча эътибор ва масъулият талаб этади. Дам олиш кунлар омадли кечади.

СИГИР(22.04-20.05)

Ишдаги ва оилавий юмушларни бажаришда фикрингизни бир жойга жамлаган ҳолда масъулиятни ҳис этиб иш юритишингиз керак.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Ҳамкорлар билан муносабатда келишмовчиликлар юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатда ўзингизни бошқара олишингиз зарур.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Айни кунларда ўз салоҳиятингизни тўғри баҳолаган ҳолда иш юритсангиз, ўйлаган мақсадингизга осонгина эришасиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Шу кунларда молиявий муаммоларни ҳал этмаганингиз маъқул, акс ҳолда қуруқ ваъдалар гирдобида қолиб кетишингиз мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Атрофингиздаги кишилар ҳақида фикр билдириш сизга ёт одат. Айнан шу хислатингиз атрофдагилар билан муносабатни мустаҳкамлайди.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Ортиқча харажат ва асаббузарликларнинг олдини олишни истасангиз, сўнгги кунларда молиявий масалалар ечими билан шуғулланманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ўз хатоларингизни тан ола билмаслигингиз оила аъзоларингиз олдида обрўингиз бирмунча тушишига олиб келади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Ҳамкасбларингизнинг чигал муаммоларига аралашиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Бу мавқеингизга салбий таъсир этиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Қадрдон дўстларингиз турли режа ва таклифлар билдиришлари мумкин. Уларни амалга оширишдан аввал натижасини сарҳисоб қилинг.

КОВҒА (20.01-18.02)

Шахсий муносабатларда ўзингизга бўлган ортиқча ишончдан воз кечганингиз маъқул. Бу оилангиз тинчлигини сақлаб қолади.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Айни кунларда ўзингизга талабчан, барча нарсаларга эътиборли бўлиш сиз учун муҳимдир. Айниқса, сафарга отланаётганлар учун.

ЎЗБЕКИСТОН – КУРАШ ЮРТИ

26-27 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуига дунёнинг энг кучли ва сара полвонлари ўзбек кураши бўйича катталар ўртасида бешинчи жаҳон чемпионатига йиғилди.

Чемпионатда 57 мамлакатдан келган 120 дан ортиқ спортчи ўзаро беллашди. Кураш тарихида илк маротоба эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида мазкур спорт тури қонун-қоидаларига киритилган барча вазн тоифаларида беллашувлар ўтказилди. Мусобақа якунига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари еттита олтин, бешта кумуш ва тўртта бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

СУРАТДА: *таниқли спортчимиз Абдулла Тангриев мутлақ вазнлилар орасида ғолиб бўлди.*

МАШИНАНГИЗГА МУҚОБИЛ ЁҚИЛҒИ

"Маъқул" дейишмоқда кўпгина ҳайдовчилар. Сабаби, у ҳам тежамкор, ҳам нисбатан зарарсиз.

Шу вақтга қадар бензинга муқобил ёнилғи сифатида электр токи, этил спирти, табиий газ, метанол ва бошқа элементлар мутахассислар синовидан ўтказилганди.

Юқоридаги элементлар орасидан камхаржлиги, қулайлиги жиҳатидан газ энг муқобили деб топилди. Биринчидан анча арзон, иккинчидан экологик тоза. Дунёнинг барча мамлакатларида газ мосламаларини автоуловга ўрнатиш арзон нархда амалга оширилади. Газдан фойдаланиш натижасида машинанинг техник ҳолати яхшиланиб, двигателнинг қуввати ошиб боради.

Автоуловга газ мосламаси ўрнатишнинг асосий афзалликларидан бири унинг тежамкорлигидир. Бензин нархига нисбатан газнинг нархи бугунги кунда 47 фоизга арзон. "Нексия" автомобили 100 километрга 9 литр бензин сарфласа, газда 9,9 литр сарфлайди. Бундан ташқари газнинг яна бошқа қулай афзалликлари ҳам мавжуд. Бинобарин, газ балон системасида йўл-йўлакай салондан туриб, автомобилни ҳам газга, ҳам бензинга ўтказиш имконияти мавжуд. Газ системасининг таъминот қисмида носозликлар вужудга келганда ҳам автомобилнинг тўхтаб қолиш хавфи бўлмайди.

Маълумки, автомобиллар атмосферага тонналаб заҳарли моддалар чиқаради. Автотранспортларда газдан муқобил ёнилғи сифатида фойдаланиш экологияни яхшилашга хизмат қилади. Чунки каталитик заҳар ҳисобланган моддалар газ ёнилғиси таркибида деярли йўқ. Табиий газ машина двигателларининг "Евро-4" экологик меъёрларига тўла мос келади.

Шуниндек, газ балонлар ёрилиш ёки портлаш хавфини келтириб чиқармайдиган даражада мустаҳкам ишланган. Қоида бўйича балонлар машинанинг шикастланиш хавфи кам бўлган жойларига ўрнатилади. БМВ фирмаси аниқ фактлар асосида автомобил корпусининг шикастланиш хавфини ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, автомобил корпусининг газ билан жойлашган қисмида шикастланиш хавфи атиги 1,5 фоизни ташкил қилар экан.

Муртазо СУЛТОНОВ,
"ИНТЕРМОБИЛГАЗ" компанияси директорлар кенгаши раиси, иқтисод фанлари номзоди.

Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

Ф. МТ-1

Mahalla газета / журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) | Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п.в. | жойи | 148 (нашр кўрсаткичи)

Mahalla (нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм | Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

Собир Раҳимов туманидан 23.09.2005 да берилган 026556 рақамли ва 23.10.2005 да берилган 026556 рақамли Имомов Шавкат Саидазимович номига берилган савдо гувоҳнома ва ҳисобга олиш картаси йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

"MIRPATTOH — SAVDO" хусусий фирмасига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг қарорига биноан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги далолатнома йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

"MIRPATTOH — SAVDO" хусусий фирмаси (код ОКПО: 18146402) тугатилади. Даъволар эълон чиққандан сўнг 2 ой муддатда қабул қилинади.
Манзил: Қизил тамға, 2-тор кўчаси 5-уй.

Лицензия на трудовую деятельность за № 14 Бух В, выданная гражданке КНР Ван Лихун с М.Улугбекского района считать **недействительным.**

Бектемир туманидаги "ИМПЕРИАЛ — САНА" МЧЖнинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Юнусобод туманидан "NASR" МЧЖга берилган 2374175421 рақамли Ер кадастри ҳужжати йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

ESENYA
Қурилиш-инжиниринг фирмаси
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
БАССЕЙНЛАР;
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE
КРУГОВОЙ ОБЗОР-М
БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: 107-16-00. Тел./факс: 152-13-01.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Таъна Берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7028 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-122
1 2 3 4 5
Топширилди — 21.00